

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МИНТАҚАДА КЎП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИ ТАКЛИФ ЭТДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг таклифига биноан 20-21 июль кунлари Чўлпонота шахрида бўлди.

21 июль куни Чўлпонота шахрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг	тўртинчи Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди. Қирғиз Республикаси	Президенти Садир Жапаров раислигидаги саммитда Ўзбекистон Республикаси	Президенти Шавкат Мирзиёев, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт	Тоқаев, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркменистон
--	--	--	---	---

Президенти Сердар Берди-мухамедов иштирок этдилар. Минтақавий хавфсизликка замонавий хатар ва таҳдидларга қарши биргаликда чора кўриш борасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари, Марказий Осиё давлатларининг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш, фаол маданий-гуманитар алмашинувларини давом эттириш мақсадида минтақавий шерикликни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ушбу форматда йўлга қўйилган мунтазам мулоқот туфайли Марказий Осиёда дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга, мутлақо янги конструктив ҳамкорлик муҳитини яратишга муваффақ бўлинганини таъкидлади.

— Марказий Осиёнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини, изчил ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш бўйича мураккаб вазифаларни изчил ҳал қилиб келяпмиз, — деди Ўзбекистон Президенти.

Бу борада қўллаб-қўстасан бартараф этилди, фуқароларимиз эркин ҳаракатланиши, фаол маданий ва туристик алмашинувлар амалга оширилиши учун шароитлар яратилди. Ўзаро савдо ва инвестицияларнинг ўсишига хизмат қиладиган қўлай муҳит шакллантирилди.

Минтақа мамлакатлари саноат кооперацияси бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишга киришди, самарали қўшилган қиймат занжирларини яратмоқда, транспорт

ва энергетика инфратузилмасини ривожлантирмоқда.

— Энг муҳими — барча ижобий ўзгаришларни биродар халқларимиз ҳис қилмоқда, — деди мамлакатимиз етакчиси.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари жаҳондаги мураккаб вазият минтақамизга ҳам бевосита таъсир кўрсатаётганини таъкидлади.

Халқаро тартиботнинг оқибатларини прогноз қилиш оғир бўлган шиддатли трансформацияси кузатишмоқда. Дунё глобал миқёсда мулоқот ва ишонч тақчиллиги ортиб бораётганининг гувоҳи бўлмоқда.

Жаҳон иқтисодиётидаги инкйрозли ҳодисалар кўчаи-гани натижасида мамлакатларимиз анъанавий логистика занжирлари узиллиги таъминоти муаммосига дуч келмоқда, инфляция импорти ортмоқда, озиқ-овқат ва энергетик хавфсизликка хатарлар қаррасига кўпайди.

— Бундай шароитда Маслаҳат учрашувлари формати доирасида кўп томонлама ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва самарадорлигини ошириш зарурати янада ошмоқда, — деди Шавкат Мирзиёев. — Алоҳида қайд этаман, бутун минтақанинг тинчлиги, барқарорлиги ва фаровонлиги жипслигимизга, Марказий Осиёнинг умумий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қатъий чоралар кўришга тайёрлигимизга боғлиқ.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ТЎРТИНЧИ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли ҳамкасблар!

Бугунги учрашувимизнинг барча иштирокчиларини қутлашдан хурсандман.

Ҳурматли ҳамкасбларимнинг сўзларига қўшилган ҳолда, Қирғизистон Президенти мухтарам Садир Нурғожоевичга самимий қабул ва саммитни аъло даражада ташкил этгани учун миннатдорлик билдираман.

Шунингдек, Маслаҳат учрашувида илк бор иштирок этаётган ҳурматли Сердар Гурбангулиевични кўриб турганимдан мамнунман.

Бугун бир неча бор таъкидланганидек, ушбу форматда олиб борилаётган мулоқот туфайли дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга, минтақамизда мутлақо янги конструктив ҳамкорлик муҳитини яратишга муваффақ бўлди.

Марказий Осиёнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини, ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш бўйича мураккаб вазифаларни изчил ҳал этиб келмоқдамиз.

Бу борада қўллаб-қўстасан бартараф этилди, фуқароларимизнинг эркин ҳаракатланиши, фаол маданий ва сайёҳлик алмашувлари амалга оширилиши учун шароитлар яратилди. Ўзаро савдо ва инвестицияларнинг ўсишига хизмат қиладиган қўлай муҳит шакллантирилди.

Фақатгина сўнгги беш йилда минтақа ичида товар айирбошлаш ҳажми икки баробар ошди.

Биз саноат кооперацияси бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишга ҳам киришдик, самарали қўшилган қиймат занжирларини яратмоқдамиз, транспорт ва энергетика инфратузилмасини ривожлантирмоқдамиз.

Энг муҳими — барча ижобий ўзгаришларни бизнинг биродар халқларимиз ҳис этмоқда.

Мухтарам ҳамкасблар!

Жаҳондаги минтақамизга бево-сита таъсир кўрсатаётган мураккаб вазият бўйича бугун билдирилган фикр-мулоҳазаларни қўллаб-қувватлайман.

Халқаро тартиботнинг оқибатларини олдиндан айтиш қийин бўлган шиддатли трансформация жараёнлари кузатишмоқда. Биз глобал миқёсда мулоқот ва ишонч тақчил-

лиги тобора ортиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Жаҳон иқтисодиётидаги инкйрозли ҳолатлар кучайиб бораётгани натижасида мамлакатларимиз анъанавий логистика занжирлари узиллиги билан боғлиқ муаммога дуч келмоқда, инфляциянинг импорти ортмоқда, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигига нисбатан хавф-хатарлар бир неча бор кўпаймоқда. Бундай шароитда Маслаҳат учрашувлари формати доирасида кўп томонлама ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва самарадорлигини ошириш зарурати янада кучаймоқда.

Шуни алоҳида қайд этмоқчиман, бутун минтақамизнинг тинчлиги, барқарорлиги ва фаровонлиги жипслигимизга, Марказий Осиёнинг умумий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қатъий чоралар кўришга тайёрлигимизга боғлиқ.

Ҳурматли давлат раҳбарлари!

Кўп қиррали муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва амалий минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида умумий саъй-ҳаракатларимизни қуйидаги муҳим йўналишларга қаратишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Биринчиси — иқтисодий йўналиш. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ижобий ўсиш суръатларига қарама-сандан, мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодий ҳамкорлик салоҳияти тўлиқ ишга солинимасдан қолмоқда.

Турли ҳисоб-китобларга кўра, бугунги кунда минтақа ичидаги савдо улушига мамлакатларимиз ўртасидаги умумий товар айланишининг 5 фоизидан 10 фоизигача бўлган қисми тўғри келмоқда.

Шу муносабат билан ўзаро савдонинг рағбатлантиришининг янги шакл ва механизмларини фаол жорий қилишни таклиф этамиз.

Товар етказиб беришнинг қоидалари бирхиллаштирилган ва тартиб-таомиллари соддалаштирилган чегара ҳудудларида савдо зоналари тизимини яратиш шулар жумласидандир.

Бу борада учинчи мамлакатлардан қиммат ва ҳар доим ҳам сифатли бўлмаган импорт ўрнини ўзимизнинг ишлаб чиқарувчиларимиз маҳсулотлари ҳисобидан

тўлдириш бўйича саъй-ҳаракатларни тушуниш ва қўллаб-қувватлаш муҳим.

Саноат кооперацияси бўйича қўшма лойиҳаларни илгари суриш яна бир муҳим вазифадир.

Бизнес доираларимиз минтақа мамлакатлари иқтисодиётларининг рақобат нуктаи назаридан устуни-ликлари ва бир-бирини тўлдириб туришидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш қувватларини яратишдан манфаатдор.

Шу муносабат билан саноатни ривожлантириш миллий дастурлари асосида Марказий Осиёда маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босиб маконини шакллантириш бўйича умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодиёт тармоқларини ракамлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишни таклиф этаман.

Бу маҳсулот таннархини камайтириш ва рақобатбардошлигини таъминлаш имконини беради.

Савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида ҳудудлараро тўғридан-тўғри ҳамкорлик борасидаги салоҳиятдан кенгроқ фойдаланиш ва ҳар йили Марказий Осиё ҳудудлари форумини ўтказишни йўлга қўйишни таклиф этамиз.

Шу билан бирга, минтақанинг инвестиция соҳасидаги умумий жозибадорлигини ошириш учун ягона қўлай ишбилармонлик муҳитини яратишга интилиш зарур.

Қадри дўстлар!

Фурсатдан фойдаланиб, яқинда Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги махсус резолюциясини қўллаб-қувватлаганингиз учун сизларга миннатдорлик билдираман.

Ушбу ташаббуснинг давоми сифатида Ҳиндистон, Покистон ва Хитой бозорларига чиқиш учун муқобил транспорт йўлакларини илгари суриш бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Ҳамкасбларимнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш чоратадбирлари юзасидан билдирган

таклифларини ҳам қўллаб-қувватлайман.

Шу маънода, мамлакатларимизда етарли миқдорда ишлаб чиқарилаётган кенг турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан аҳолини кафолатли таъминлашнинг комплекс тизимини биргаликда ишлаб чиқиш муҳим, деб ўйлайман. Бу, энг аввало, бошоқли дон, ёғ-мой ва озуқа экинлари, сархил ва қайта ишланган мева-сабзавот, гўшт-сут ва қўллаб бошқа маҳсулотлардир.

Ушбу масалаларда биз, биринчи навбатда, Марказий Осиёнинг умумий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, тизимли ишларни йўлга қўйишимиз лозим.

Иккинчи йўналиш — экология соҳасида кўп томонлама ҳамкорлик.

Бизнинг «Марказий Осиё учун «Яшил» кун тартиби» дастурини қабул қилиш тўғрисидаги ташаббусимизни қўллаб-қувватлаганингиз учун самимий миннатдорлик билдираман.

Ушбу дастур доирасида асосий эътиборни иқтисодиётни ис газидан холи қилиш бўйича халқаро мажбуриятларни бажариш; муқобил энергетика, энг аввало, сув, қуёш ва шамолдан электр олишни жадал ривожлантириш, электр энергиясини ўзаро етказиб беришни ташкил этиш; сувни тежайдиган ва экологик тоза технологияларни кенг жорий этиш, шунингдек, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларига қаратишни таклиф этамиз.

Тан олишимиз керак, «яшил тараққиёт» масалаларида биз, афсуски, жаҳоннинг етакчи минтақаларидан анча орқадамиз.

Узоқ истиқболда мамлакатларимизнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун ҳукуматларимизга бугунги кунда қабул қиладиган дастурни амалга ошириш бўйича Аниқ чора-тадбирлар режасини тайёрлашни топшириш зарур.

Гуманитар йўналишда маданият, таълим, спорт ва туризм соҳаларида ҳамда умумий тарихимизни чуқур ўрганиш борасида ҳамкорлик дастурларини амалга ошириш бўйича биргаликдаги ишларни кучайтиришни таклиф этаман. Буларнинг барчаси биродар халқларимизнинг янада яқинлашишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Мамлакатларимизда Марказий Осиё маданият, санъат ва кино фестивалини навбатма-навбат ўтказиб боришни таклиф қилимиз.

Туризм соҳасидаги ҳамкорлигимизни кенгайтириш имкониятларига алоҳида эътибор қаратмоқчиман.

Махсус туризм маршрутлари ва маҳсулотларини ишлаб чиқиш, умумий пиар-кампанияларни ўтказиш орқали минтақа ичидаги туризмни фаол рағбатлантириб боришимиз лозим.

Шу мақсадда ўзаро туризм оқимларини ошириш бўйича аниқ таклифларни тайёрлаш учун қўшма экспертлар гуруҳини тузишни таклиф этамиз.

Жорий йил май ойида Тошкент шахрида бўлиб ўтган Марказий Осиё ёшлар форумининг самарали яқунларига алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Ёшларимизнинг қараш ва интилишлари ўхшашлигига, уларнинг улкан интеллектуал салоҳиятига яна бир бор амин бўлди. Уларнинг илғор ташаббуслари, креатив ёндашувлари ва стартап лойиҳаларини бундан буён ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим.

Навбатдаги учрашувимизгача Ёшларлар доир сиёсатининг умумий йўналишлари тўғрисида кўп томонлама битим тайёрлашни таклиф этамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Хавфсизлик соҳаси — минтақавий ҳамкорлигимизнинг стратегик йўналишидир.

Минтақавий хавфсизлик бўли-мас ва энг аввало, бизнинг шериклигимиз қанчалик самарали йўлга қўйилганлигига боғлиқ эканини таъкидламоқчиман.

Шу маънода, экстремизм ва терроризм, уюшган жиноятчилик ва наркотрафик каби анъанавий таҳдидларга қарши курашда амалий ҳамкорлигимизни бундан буён ҳам кучайтириб боришимиз зарур.

Қўламини тобора ортиб бораётган интернетдаги ноқонуний фаолият билан боғлиқ янги хавф-хатарлар алоҳида эътибор қаратишимизни тақозо этмоқда.

Бугун ушбу таҳдидлар йўлида ҳеч қандай чегара йўқ — улар мобил телефонлар орқали кириб келмоқда.

Афсуски, Ўзбекистонда яқинда рўй берган фожиали воқеалар бизнинг режаларимизни бузишга, минтақамизда беқарор вазиятни вужудга келтиришга уринаётган бузғунчи қучлар мавжуд эканини яна бир бор тасдиқлади.

Шу муносабат билан ушбу йўналишларда минтақа мамлакатларининг Хавфсизлик кенгашлари ва махсус хизматлари раҳбарларининг мунтазам маслаҳатлашувларини йўлга қўйиш таклифларини қўллаб-қувватлаймиз.

Афғонистонда узоқ муддатли тинчликни таъминлашга ва унинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш масалаларида яқиндан ҳамкорликни давом эттириш биз учун энг муҳим устувор йўналиш бўлиб қолиши керак.

Биз ушбу мамлакатнинг энг яқин қўшилари сифатида бу заминдаги барқарорликдан биринчи навбатда ўзимиз манфаатдор бўлишимиз лозим. Мазкур муаммо халқаро ҳамжамият томонидан қандай қабул қилиниши ҳам кўп жihatдан айнан бизга боғлиқ.

Шунингдек, ушбу мамлакат билан савдо алоқаларини фаол ривожлантириш, уни минтақамиздаги иқтисодий жараёнларга жалб этиш, афғон халқига гуманитар ёрдамни кенгайтириш, муҳим ижтимоий ва инфратузилмавий лойиҳаларни илгари суриш таъдиримиз.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Бугунги саммитимизнинг энг муҳим натижаси, ҳеч шубҳасиз, Марказий Осиёнинг тинчлиги ва барқарор тараққиёти йўлида дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган салмоқли ҳужжатлар тўплами қабул қилинаётганидир.

Ҳамкасбларимнинг фикрларига қўшилган ҳолда, Маслаҳат учрашуви натижалари мамлакатларимиз ўртасида стратегик шериклик ва ишончни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган, амалий ҳамкорлик бўйича қўшма дастур ва лойиҳаларни илгари суриш учун қучли сурбат бағишлайди, деб ишонч билдираман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МИНТАҚАДА КЎП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИ ТАКЛИФ ЭТДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Президенти долзарб масалалар юзасидан нуқтаи назарини баён қилди ҳамда кўп қиррали муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва минтақада амалий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган қатор таклифларни илгари сурди.

Ижобий суръатга қарамасдан, мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодий ҳамкорлик салоҳияти рўёбга чиқарилмасдан қолаётгани таъкидланди. Бугун минтақа ичидаги савдо ҳиссасига турли ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатларимиз ўртасидаги умумий товар айирбошлашнинг 5 фоизидан 10 фоизгача тўғри келмоқда.

Шу муносабат билан ўзаро савдони рағбатлантиришнинг янги шакл ва механизмларини фаол жорий қилиш таклиф этилди. Товар етказиб беришнинг қоидалари бирхиллаштирилган ва тартиб-таомиллари соддалаштирилган чегараолди савдо зоналари тизимини яратиш шулар жумласидан.

Давлатимиз раҳбари учинчи мамлакатлардан импортнинг ўрнини минтақа мамлакатларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан босишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштиришга қачирди.

Саноат кооперацияси бўйича қўшма лойиҳаларни илгари суриш яна бир муҳим вазифадир. Президентимиз индустриал ривожланиш миллий дастурлари асосида Марказий Осиёда маҳаллийлаштириш ва импортнинг ўрнини босиш маконини шакллантиришга умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳимлигини қайд этди.

Ўзбекистон етакчиси иқтисодиёт тармоқларини рақамлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишга қачириб,

бу маҳсулот таннархини камайтириш ва рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида тўғридан-тўғри ҳудудлараро ҳамкорлик салоҳиятидан кенг-роқ фойдаланиш ва ҳар йили Марказий Осиё ҳудудлари форумини ўтказишни йўлга қўйиш таклиф этилди.

Шавкат Мирзиёев минтақадаги ҳамкорларга яқинда Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий ва Жанубий Осиё ўрта-сидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги махсус резолюция қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик билдирди ҳамда ушбу ташаббуснинг давоми сифатида Ҳиндистон, Покистон ва Хитой бозорларига чиқиш учун муқобил транспорт йўлакларини илгари суриш бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқишни таклиф этди.

Иштирокчиларнинг эътибори озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича биринчи навбатда Марказий Осиёнинг умумий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда тизимли ишларни йўлга қўйиш лозимлигига қаратилди.

Шу мақсадда Президентимиз аҳолини мамлакатларимизда етарли ҳажмда ишлаб чиқарилаётган кенг турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлашнинг комплекс схемасини биргаликда ишлаб чиқишни таклиф этди.

Экология соҳасидаги кўп томонлама ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Ҳамкорларга эътиборни Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган «Марказий Осиё учун «Яшил» кун тартиби» дастури доирасида иқтисодиётни карбонсизлантириш, муқобил энергетикани ривожлантириш ва ўзаро электр энергияси етказишни таш-

кил этиш, сув тежовчи ва экологик тоза технологияларни кенг жорий қилиш, шунингдек, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларига қаратиш таклиф этилди.

Президентимиз «яшил тараққиёт» масалаларида Марказий Осиё давлатлари бугун жаҳоннинг етакчи минтақаларидан анча орқада эканини афсус билан қайд этди.

— Мамлакатларимизнинг узоқ муддатли истикболда рақобатбардошлигини таъминлаш учун ҳукуматларда бугун қабул қилинаётган дастурни амалга ошириш бўйича Аниқ чора-тадбирлар режасини тайёрлашни топшириш зарур, — деди давлатимиз раҳбари.

Минтақа мамлакатларининг биродар халқларини янада яқинлаштириш мақсадида умумий тарихимизни чуқур ўрганиш, маданият, таълим, спорт ва туризм соҳаларида қўшма дастурларни амалга ошириш зарур.

Шу маънода, Президентимиз Марказий Осиё маданият, санъат ва кино фестивални навбатма-навбат ўтказиб боришни таклиф қилди.

Махсус туризм маршрутлари ва маҳсулотларини ишлаб чиқиш, ягона пиар-кампанияларни ўтказиш орқали минтақа ичидаги туризмни фаол рағбатлантиришимиз лозимлиги таъкидланди.

Ёшларга доир сиёсатнинг умумий йўналишлари тўғрисида кўп томонлама битим тайёрлаш ташаббуси илгари сурилди.

Давлатимиз раҳбари хавфсизлик соҳасидаги минтақавий ҳамкорликнинг стратегик йўналишларига алоҳида эътибор қаратди.

— Алоҳида қайд этаман, минтақа хавфсизлиги бўлинмас ва энг аввало, шериклигимиз қанчалик самарали йўлга қўйил-

ганига боғлиқ, — деди Шавкат Мирзиёев. — Шу маънода, экстремизм ва терроризм, уюшган жиноятчилик ва наркотрафикдек анъанавий таҳдидларга қарши курашда амалий ҳамкорлигимизни бундан буён ҳам кучайтириб боришимиз зарур.

Давлатимиз раҳбарининг фикрича, қўла-ми тобора ортиб бораётган интернетдаги ноқонуний фаолият билан боғлиқ янги хатарлар алоҳида эътиборни тақозо этмоқда.

Афғонистонда узоқ муддатли тинчликни таъминлашга ва унинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига қўмаклашиш масалаларида яқиндан ҳамкорликни давом эттириш биз учун энг муҳим устувор йўналиш бўлиб қолиши кераклиги таъкидланди.

Минтақа давлатлари ушбу мамлакатнинг энг яқин қўшнилари сифатида ундаги барқарорликдан биринчи навбатда ўзлари манфаатдор бўлишлари лозим, деди Ўзбекистон етакчиси.

Ушбу мамлакат билан савдо алоқаларини фаол ривожлантириш, уни минтақадаги иқтисодий жараёнларга жалб қилиш, афгон халқига гуманитар ёрдамни кенгайтириш, муҳим ижтимоий ва инфратузилмавий лойиҳаларни илгари суриш муҳим экани қайд этилди.

Президентимиз сўзининг якунида Маслаҳат учрашуви натижалари мамлакатларимиз ўртасида стратегик шериклик ва ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилишига, амалий ҳамкорлик бўйича қўшма дастур ва лойиҳаларни илгари суришига кучли суръат бағишлашига ишонч билдирди.

Қозғоистон, Тожикистон, Туркменистон ва Қирғизистон Президентлари ўз нутқларида бундай мунтазам учрашувларнинг долзарб аҳамиятини алоҳида қайд этиб,

минтақада дўстлик, яхши қўшничилик ва шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор ташаббусларни илгари сурдилар.

Саммит якунида ХХI асрда Марказий Осиёни ривожлантириш йўлидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Давлат раҳбарлари Чўлпонота Маслаҳат учрашувининг қўшма баёноти, 2022 — 2024 йилларда минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси», «Марказий Осиё учун «Яшил» кун тартиби» минтақавий дастури ҳамда Марказий Осиё давлатларининг кўп томонлама форматлар доирасидаги ҳамкорлиги концепциясини қабул қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви доирасида Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан учрашув ўтказди.

Учрашувда олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш асосида яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Савдо, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, энергетика, транспорт ва логистика соҳаларида қўшма лойиҳаларни илгари суриш ҳамда амалий ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон Президентлари долзарб минтақавий масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қирғиз Республикасига ташрифи якунланди.

Ў.з.А.

Хорижий экспертлар:

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО ИШОНЧ МИНТАҚА МАМЛАКАТЛАРИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Кеча Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг тўртинчи Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди.

Саммитда давлат раҳбарлари минтақавий хавфсизликка оид замонавий таҳдидларга биргаликда жавоб беришда алоқаларни мустаҳкамлаш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш, Марказий Осиё давлатларининг фаол маданий-гуманитар алоқини давом эттириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Дунё нигоҳи

Санжай Кумар ПАНДЕЙ, Ҳиндистоннинг Жавахарлал Неру университети Россия ва Марказий Осиё давлатларини ўрганиш маркази профессори:

— Бутун дунёда

кескинлик ва рақобат ортиб бораётган таҳликали бир вақтда Чўлпонота шаҳрида Марказий Осиё давлат раҳбарларининг тўртинчи Маслаҳат учрашувининг ташкил этилиши ҳар доимгидан ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Марказий Осиё минтақаси мамлакатларининг изчил тараққиёти, аҳоли ҳаёт даражасининг мунтазам ўсиб бораётгани ушбу мамлакатлар иқтисодиётининг ривожига билан бевосита боғлиқ. Маслаҳат учрашувида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган минтақа учун ҳаётий муҳим ташаббуслар, хусусан, савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича таклифлар ҳаётга изчил татбиқ этилади ва ўзининг амалий натижаларини кўрсатади, деб ҳисоблайман.

Барчамизга маълум, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан қўшни давлатлар, Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда минтақада ташқаридаги давлатлар ўртасидаги ўзаро дўстлик алоқаларини ривожлантириш борасида қатор таклифлар ишлаб чиқилди, уларнинг асарияти халқларга ҳамкорлар ва жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, 2021 йил 15-16 июль кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзuidaги халқаро конференция натижалари икки қўшни минтақа ўртасидаги барча соҳадаги мавжуд улкан салоҳиятни яққол кўрсатди. Бундан бир неча кун аввал БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги махсус резолюциянинг қабул қилингани алоҳида диққатга сазовор.

Бу борада Марказий Осиё давлат раҳбарлари Маслаҳат учрашувида ўртага ташланган Жанубий ва Шарқий Осиё мамлакатларига, хусусан, Ҳиндистон бозорига чиқиш учун муқобил транспорт йўлак-

ларини ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш таклифини тўлиқ қўллаб-қувватлайман. Ўйлайманки, ушбу долзарб ташаббуснинг ҳаётга татбиқ этилиши барча томон учун бирдек муҳим ва Жанубий Осиё минтақаси давлатлари томонидан ҳам қўллаб-қувватланади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси билан бундан 4 йил аввал шаклланган Марказий Осиё давлат раҳбарлари Маслаҳат учрашуви бугунги кунда минтақадаги ягона ва муҳим мулоқот платформасига айланди. Мазкур мулоқот форматининг самарали фаолияти ва амалий аҳамияти дунёнинг турли минтақаларидаги қўллаб-даватлар учун намуна ҳисобланади, деб биламан.

Ксенофонт ЛАМБРАКИС, Греция — Евроосиё альянси президенти, Ўзбекистоннинг faxрий консули:

— Мен Ўзбекистонда туғилиб ўсганман ва Марказий Осиё минтақаси халқлари ўртасида маданият, таълим, туризм, спорт ва бошқа соҳаларда алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш нақадар муҳим эканини яхши тушунаман.

Саммитни ана шундай очиқ шаклда ўтказиш ташаббуси Президент Шавкат Мирзиёевга тегишли эканидан фохрланамиз ҳамда уни ушбу муҳим ва зарур аъана асосчиси, деб биламиз.

Мен ушбу саммитни олқишлайман, чунки унда қўллаб-долзарб масалалар қаторида, жумладан, ёшлар, маданият, спорт ва бошқа муҳим соҳалардаги ҳамкорлик истикболлари муҳокама қилинади. Ёшлар — келажагимиз, Ўзбекистонда мамлакатнинг жадал ривожланиш жараёнида ёш авлод вакилларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мен, Греция — Евроосиё альянси президенти сифатида ушбу соҳаларнинг барчасида “халқ дипломатияси” орқали Греция, Европа ва Марказий Осиё ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўмаклашиш, Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббусларни тарғиб қилиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тарафдориман.

Хосе Вентура БАЛЛЕСТЕР, Испаниянинг Стратегик ва халқаро тадқиқотлар жағғармаси халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи:

— Ушбу саммит Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун муҳим платформадир.

Шу билан бирга, Маслаҳат учрашувида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан минтақавий доирада амалий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича илгари сурилган ташаббуслар айни пайтда жуда долзарб ва амалий эканини алоҳида таъкидлашни муҳим, деб биламан.

Ўзбекистон сўнгги беш йилда МДҲ ҳамда Марказий ва Жанубий Осиё йўналишларидаги саъй-ҳаракатларини сезиларли даражада фаоллаштирди. Бун 2021 йил 15-16 июль кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзuidaги халқаро конференция ва жорий йил 25-26 июль кунлари бўлиб ўтадиган Афғонистон бўйича Тошкент конференцияси сингари глобал тадбирлар ҳам тасдиқлайди.

Бундан ташқари, кейинги йилларда Ўзбекистоннинг халқаро тузилмалардаги иштирокчини кенгайтириш тенденцияси мамлакатнинг минтақавий тузилмалардаги мавқеини ҳам мустаҳкамлашга яхши туртки бермоқда.

Маслаҳат учрашувида Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган ташаббусларга тўхталадиган бўлсак, маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босиш бўйича Марказий Осиё маконини яратиш каби муҳим таклифни қайд этишни ўринли, деб ҳисоблайман. Бу шубҳасиз, минтақалараро савдо тезлиги ва экспорт ҳажмини оширишга кучли туртки беради.

Ўзбекистон етакчиси ана бир муҳим жиҳат — Афғонистон билан савдо алоқаларини фаол ривожлантириш, уни минтақавий иқтисодий жараёнларга жалб этиш, инсонпарварлик ёрдами қўламини кенгайтириш, муҳим ижтимоий ва инфратузилмавий лойиҳаларни илгари суришга яна бир қарра алоҳида эътибор қаратгани эътирофга молиқдир.

Анна ВОЛЬХАТТ, “Berliner Telegraph” журналининг Шарқий Европа, Кавказ ва Марказий Осиё бўйича иқтисодий эксперти ва шархловчиси (Германия):

— Сўнгги пайтларда бундай мазмун ва шаклдаги саммитларнинг мунтазам ўтказилаётганини фақат олқишлаш мумкин. Зеро, Марказий Осиё катта геостратегик ва геоиқтисодий аҳамиятли, 74 миллиондан ортиқ аҳолига эга минтақадир. Минтақа давлатларининг тарихи ва маданияти, иқтисодиёти ва инфратузилмаси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ.

Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёев лавозимга киришганидан бир йил ўтиб, 2017 йилда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг шундай мазмундаги Маслаҳат учрашувларини мунтазам асосда ўтказиш ташаббуси билан чиққан эди. У Ўзбекистоннинг асосий мақсади Марказий Осиёни барқарор, иқтисодий ривожланган ва фаровон минтақага айлантириш эканини, бунга фақат биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан эришиш мумкинлигини қайта-қайта таъкидлайди. Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуси кенг қўллаб-қувватланди ва амалиётга жадал татбиқ этилмоқда.

Навбатдаги Маслаҳат учрашувида Президент Шавкат Мирзиёев товар етказиб беришнинг қоидалари бирхиллаштирилган ва тартиб-таомиллари соддалаштирилган чегара ҳудудларида савдо зоналари тизимини яратиш, шунингдек, саноатни ривожлантириш миллий дастурлари асосида Марказий Осиёда маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босиш маконини шакллантириш бўйича умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

Минтақа ноёб салоҳиятга эга. Янги воқелиқлар минтақада иқтисодий ҳамкорликнинг янги моделини яратиш бўйича қатъий қадамлар қўйишни талаб қилмоқда, Марказий Осиё давлатлари, асосан, бир-бирини тўлдирадиган иқтисодиётларга эга, янги “Усиш нуқталари” ва ривожланиш механизmlарини биргаликда излаш барча учун устувор вазифа ва имкониятдир.

Хайнрих ЦЕРТИК, “Internationale Ländliche Entwicklung e.V.” ташкилоти бошқаруви раиси, Германия Бундестагининг собиқ аъзоси:

— Ўзбекистоннинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишини катта қизиқиш билан кузатиб бораёلمиз. Германия — Ўзбекистон муносабатлари барқарор ижобий тенденцияни намоян этаётгани қувонarli. Мамлакатларимиз ҳукуматларининг турли соҳалардаги икки томонлама алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга ўзаро интилишларини

ҳис қилиш мумкин. Ҳаммаси янги Ўзбекистоннинг ислохотлар сиёсати туфайлидир.

Мамлакатда инсон манфаатлари учун амалга оширилаётган жадал ислохотлар самаралари, хусусан, болалар меҳнатидан фойдаланиш ва мажбурий меҳнатга барҳам берилгани, шунингдек, одам савдосига қарши курашиш тизими янада такомиллаштирилаётгани Ўзбекистон янгиланиш йўлидан дадил бораётганидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини олқишлаймиз. Марказий Осиё давлатлари ва халқлари ҳамкорлигининг кенг қўламини мавжуд. Бу жиҳат ўзаро манфаатли иқтисодий алоқалар ривожланишига ёрдам беради ва ташқи иқтисодий зарбаларга чидамликни оширади.

Ўзбекистон раҳбари минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштиришда қатъий ҳаракат қилмоқда. Чўлпонота шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувида Шавкат Мирзиёев томонидан эълон қилинган янги муҳим ташаббуслар фикримиз тасдиқидир.

Бу ташаббуслар қўшни давлатлар раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватланмоқда, минтақада янада интеграциялашув ва иқтисодий юксалиш жараёнларига хизмат қилмоқда. Бу ташаббуслар, шунингдек, Европа Иттифоқи манфаатларига тўлиқ жавоб беради, чунки барқарор ва фаровон Марказий Осиё Европа ҳамжамияти учун муҳимдир.

Фариза ШОМ, Малайзия Ислам цивилизацияси институти директори:

— Ўзбекистон Президентининг қўшнилари билан муносабатларни ривожлантириш бўйича ўта прагматик стратегияси Марказий Осиё давлатлари интеграцияси учун мустаҳкам пойдевор яратди ва у ўз самарасини бера бошлади. Бун Чўлпонота шаҳрида ўтказилган навбатдаги юқори даражадаги саммит якунлари ҳам тасдиқламоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг саммит чоғида илгари сурган ташаббуслари, жумладан, ўзаро савдони рағбатлантиришнинг янги шакл ва механизмларини жорий қилиш, махсус чегара савдо зоналарини ташкил этиш, жаҳон бозорларига чиқиш учун муқобил транспорт йўлакларини рағбатлантириш, ўзаро савдо-сотикни қўллаб-қувватлашнинг янги шакллари ва механизмларини жорий этиш, саноатни ри-

Халқ сўзи

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

2022 йил 22 июль

Сенат Кенгашида



ЖОЙЛАРДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАРАЖАСИ ҚАЙ ҚОЛАТДА?

Кеча Олий Мажлис Сенати Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Кенгаш мажлисини Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Тадбирда сенаторлар, тегишли вазирлик ҳамда идоралар, давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Мажлисда Олий Мажлис Сенати ишчи гуруҳи томонидан шу йил май-июнь ойларида Бухоро, Жиззах, Наманган ва Фарғона вилоятларида янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги юзасидан ўтказилган ўрганиш натижаси муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг 1 май ҳолатига меҳнат органлари кўмагида Бухоро, Жиззах, Наманган ва Фарғона вилоятларида аҳолини иш билан таъминлаш, иш ўринлари яратиш борасида ижобий натижаларга эришилган. Хусусан, ушбу даврда 52,2 минг нафар фуқаро бўш иш ўринларига жойлаштирилган.

Жумладан, ўтказилган меҳнат ярмаркаларида ишга жойлашиш учун қарийб 7,5 мингта йўланма берилган. Ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган 2,9 мингга яқин шахслар банд қилиб қўйилган ўринларга ишга жойлаштирилган.

Тадбирда амалга оширилган шу каби ижобий ишлар билан бирга, айрим соҳа ва йўналишларда, шунингдек, ҳудудларда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда қатор камчиликларга йўл қўйилгани ва мавжуд имконияتلардан фойдаланилмагани алоҳида айтиб ўтилди.

Хусусан, Президентнинг 2022 йил 27 январдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди белгиланган айрим тадбирлар муддатиди амалга оширилмапти. Жумладан, қарорда хизматлар соҳасини ривожлантириш орқали келгусида кафолатли иш ўринларини яратиш назарда тутилган бўлиб, айрим ҳолатларда бу масала эътибордан четда қолиб кетмоқда.

Бунга мисол қилиб Ғиждувон, Когон туманлари ва Когон шаҳри ҳамда Жиззах шаҳри ҳудудидан ўтувчи халқаро йўллар бўйида хизмат кўрсатиш объектиларини ташкил этиш мақсадида танланган ер участкалари ханузгача очик электрон аукцион савдосига жойлаштирилмаганини келтириш мумкин.

Қоракўл ҳамда Фарғона туманлари, Бухоро шаҳрида нодавлат умумтаълим ва мактабгача таълим ташкилотларини барпо этиш учун ер майдон-

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕРМАНИЯНИНГ «KNAUF» КОМПАНИЯСИ ЎЗИНИНГ УЧИНЧИ ЗАВОДИНИ ИШГА ТУШИРДИ

Фарғона вилоятининг “Шўрсув” sanoat зонасида фаолият бошлаган корхонага қарийб 19 миллион евро ҳажмида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритилиб, жаҳон бозорига бренд бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

Ўзбекистон туманининг Шўрсув даҳасида қарийб 100 гектар майдонда жойлашган sanoat зонасида бугунги кунда 30 дан ортиқ замонавий корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Истикболли лойиҳалар доирасида гипсокартон, қурилиш гипси, цемент, пишиқ гишт, керамик буюмлар, қора қоғоз, оҳак сингари қурилиш sanoatида талаб юқори бўлган озиқ-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқарилапти. Тадбиркорлик фаолиятини илмий асосда ривожлантириш мақсадида ҳудудда 14 та кончилиқ маркази ташкил этилган.

2022 йили туманда 26,5 миллион АҚШ доллари миқдориди экспорт фаолиятини амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, 120 дан ортиқ қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, 612 та sanoat корхонаси кесимида “Йул харитаси” ишлаб чиқилган. Шунингдек, ҳудудда қулай инвестиция муҳити яратилгани тўғрисида Германия, Хитой сингари дунёнинг энг ривожланган давлатлари сармоiasi иштирокидаги корхоналар sonи тобора қўлайиб бораётгани эътиборга сазовордир.

Янги корхона ишга туширилиши

муносабати билан ташкил этилган тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов, “Knauf” компанияси ҳаммуассиси Николаус Кнауф, “Knauf” гуруҳининг бошқарувчиси Уве Кночер, Германиянинг Ўзбекистондаги Фавкулудда ва мухтор элчиси Тило Клинер, Фарғона вилояти ҳокими Ҳайрулло Бозоров, германиялик ва маҳаллий тадбиркорлар иштирок этди.

Тадбир қатнашчилари дастлаб корхонадаги замонавий ишлаб чиқариш линиялари ҳамда ўрнатилган дастгоҳлар билан танишишди. Лойиҳа қиймати қарийб 19 миллион евро бўлган ва йиллик 17 миллион квадрат метр гипсокартон листлари ҳамда 40 минг тонна қуруқ қилиш аралашмаларини ишлаб чиқариш қувватига эга завод модули технологияси асосида 2,5 йилда қуриб битказилди. Натижада бу ерда 80 та янги иш ўрни яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва “Knauf” компанияси раҳбарияти иштирокида корхонадаги ишлаб чиқариш линиялари ишга туширилишига рухсат берувчи рамзий қалит босилиб, дунёга машҳур немис стандарти асосида тайёрла-

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ФРАКЦИЯДА ҲУКУМАТ ҲИСОБОТИ МАЪҚУЛЛАНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияларининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилида амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2022 йил биринчи ярим йилликдаги ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи эшитилди.



Депутатлар Давлат дастури ижросини ҳар иккала партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларида келиб чиққан ҳолда муҳокама қилиб, асосан, миллий иқтисодийётни жадал раванқ топтириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича амалга оширилган ишларга эътибор қаратди.

Таъкидланганидек, Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан геосиёсий вазият билан боғлиқ хатарлар бўйича ўз вақтида қўрилган чоралар натижасида 2022 йилнинг биринчи ярим йиллигида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 105,4 фоизни ташкил қилди.

Давлат бюджетининг жами харажатлари 103,0 трлн. сўм, шундан ижтимоий соҳаларга йўналтирилган харажатлар 54,0 трлн. сўмга етди. Амалга оширилган жами харажатлар эса ўтган йилнинг нисбатан 29,9 фоизга ортиган.

Шунингдек, ҳисобот даврида хизматлар соҳасида жами 756 мингта иш ўрни яратилган бўлса, ўзини ўзи банд қилиш ҳисобига 395 мингта ва расмий секторга ўтказиш орқали 128,9 мингта иш ўрни очилган.

ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари ҳисобот даврида республика бўйича жами 6,9 млрд. долларлик товарлар ва хизматлар экспорти амалга оширилганига алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, республика тармоқлари томонидан 5,9 млрд. долларлик экспорт бажарилди, прогноз 106 фоизга ва ҳудудлар бўйича 3,4 млрд. долларлик маҳсулот четга чиқарилиши ҳисобига прогноз 107 фоизга бажарилгани юқори баҳоланди.

Қизғин баҳс-мунозаралардан сўнг Вазирлар Маҳкамасининг Давлат дастурининг 2022 йил биринчи ярим йилликдаги ижроси юзасидан ҳисоботи маъқулланди.

Ҳудди шунингдек, ушбу масалалар “Адолат” социал-демократик партияси, Халқ демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Экологик партияси фракциялари қўшма йиғилишида ҳам танқидий-тахлилий қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Давлат дастурининг жами 607 та яхлит ва кичик бандида назарда тутилган топшириқлардан 215 тасининг ижро муддати 2022 йилнинг февраль — июнь ойлари эътиб белгиланган. Шундан 137 та банд ва кичик бандлар тўлиқ бажарилган, 10 тасининг ижро муддати узайтирилган, қолган бандларнинг ижроси юзасидан ишлаб чиқилган тегишли ҳужжат лойиҳалари қўриб чиқилмоқда.

Ҳисобот даврида олий таълим муассасаларига академик ва молиявий мустақиллик бериш билан бир қаторда, уларнинг тайёрлов йўналишларини кенгайтириш ҳамда замон талаблари асосида ишлаб чиқариш билан интеграцияси таъминланди. Аҳолига қўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, тиббий хизматларни марказлаштириш ва аҳолини тиббий суғурталаш амалиётини жорий қилиш бўйича эътиборга лойиқ ишлар уддаланди.

Шунингдек, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш борасида ҳам қатор тадбирлар бажарилди. Республикадаги 9 минг 348 та маҳаллада “ёшлар баласи” шакллантирилиб, улар билан тизимли ишлаш йўлга қўйилди. Маҳалла-

лар оsoйишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 6 минг 822 та “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патруль гуруҳи фаолияти йўлга қўйилиб, уларга 14 минг 957 нафар ёш жалб қилинди.

Бундан ташқари, мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги таъминлирини тараққийнинг энг асосий ҳамда зарур шартига айлантириш борасида белгиланган мақсадларга эришиш учун қатор тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, хусусий мулк дахлсизлиги ва ҳимоясининг кафолатлари қучайтирилди, мулккий, ер участкасига бўлган ҳуқуқларини сўзсиз таъминлаш чоралари қўрилди. Маҳкумлар ҳамда жазони ўтаб бўлган шахсларнинг меҳнат, ижтимоий таъминот ва халқаро эътироф этилган бошқа ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида уларнинг ижтимоий мослашуви ҳамда жамиятга реинтеграциясига қўмаклашишнинг самарали механизмлари жорий этилди, мазкур йўналишда давлат ва жамият институтларининг биргаликдаги фаолияти йўлга қўйилди.

Йиғилишда қайд этилганидек, ҳисобот даврида атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш механизмларини такомиллаштириш, давлат табиий муҳитни қузатиш, унинг ифлосланиш даражасини прогноз қилиш, давлат экологик назоратини доимий ахборот билан таъминлаш, ифлослантирувчи манбаларнинг ҳолати ва атроф-муҳитга таъсири мониторингини амалга оширишга устувор аҳамият қаратилган. Хусусан, 680 та корхонанинг 2 минг 898 та ҳаво, сув ва тупроқни ифлослантирувчи манбаларида мониторинг ўтказилди. Натижада 199 та объектнинг 254 та манбасида атроф-табиий муҳитни меъёридан ортиқ ифлослантириш ҳолатлари аниқланиб, тегишли чоралар қўрилди.

Қўриб чиқилган даврда ўрмон фонднинг чўл ҳудудларида, жумладан, Орол денгизининг қуриган туби ва Оролбўйи минтақасида ашиқ қопламалар барпо қилиш, республикада қўламзорлаштириш борасида тизимли ишлар олиб боришган. Бугунги кунга қадар Қорақалпоғистон Рес-

публикасининг Мўйноқ тумани, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятлари ҳудудларида жами 208 минг гектар майдонда чўл ўсимликларидан ҳимоя ўрмонзорлари барпо этилган.

Депутатлар Давлат дастури ижроси бўйича бажарилган ишлар ва эришилган ютуқларни эътироф этиб, давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ишхорлар тўғрисида йўналтирилганлигини таъкидлади. Шу билан бирга, фракция аъзолари Ҳукумат Давлат дастури ижроси бўйича айрим масалаларга эътибор қаратиши лозимлигини ҳам айтиб ўтишди.

Хусусан, бугунги кунда фуқароларимизнинг муаммоларини ўрганиш ва уларни ҳал этиш бўйича депутатларнинг фаолияти ошган. Улар томонидан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига қўллаб-қувватлаш сўровлари юборилмоқда. Лекин ушбу сўровларга асосланган жавоблар олишда муаммолар мавжуд. Шундан келиб чиқиб, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига юборилаётган депутатлик сўровларига ўша мансабдор шахс томонидан асосланган жавоб берилиши устидан назоратини қучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда депутатлар фармацевтика sanoati маҳсулотларига аҳолининг талаблари қўлайиб бориши, тиббий жиҳозларга эҳтиёжларнинг юқорилигини ҳисобга олиб, қундалиқ эҳтиёжлар учун керак бўладиган препаратлар ва тиббий жиҳозларни маҳаллий ишлаб чиқаришда маҳсулотлар сифатининг халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш, нарх-навои аҳолига қулай нархларда тақлиф қилиш бўйича тегишли вазирлик ва ташкилотларга тақлифлар беришди.

Шунингдек, фракциялар аъзолари томонидан илмий ёндашувлар асосида ҳудудларнинг тупроқ-иқлим ва бошқа ҳусусиятларини инобатга олган ҳолда қўчатларни экиш, экилган дарактлар ҳамда буталар қуриб қолишининг олдини олиш мақсадида суғориш тизимларини қайта қўриб чиқиш, уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш бўйича фикрлар билдирилди.

Йиғилишда фракциялар аъзоларининг тегишли тақлиф ва тавсиялар асосида, Давлат дастурининг ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи маъқулланди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

СОҲАДАГИ АЙРИМ МУАММО ВА КАМЧИЛИКЛАРГА ҲАМ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар томонидан бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Нозим Хусановнинг “2022 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига қўмаклашиш бўйича дастурларнинг ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.

Эшитув

Мамалякатиизда Президентимиз раҳбарлигида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, турмуш фаровонлигини ошириш борасида олиб борилаётган ишхорларга эътибор берилмоқда.

Ахборотда келтирилганидек, 2022 йилнинг шу даврига қадар 3 миллион 434 минг нафар фуқаро доимий, мавсумий ва вақтинчалик ишларда жалб этилган. Шунингдек, мамлакатимизда тадбиркорлик ҳамда ўзини ўзи банд қилиш учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

Хусусан, ўзини ўзи банд қилиш учун асосб-ускуна ва меҳнат қуроллари сотиб олиш, кооперативлар ташкил этиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини юритмоқчи бўлганларга 20 дан ортиқ йўналишларда субсидия ажратиш тизими яратилди. Жорий йилнинг ўтган даврида 22 минг ишсизга, “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари”га киритилган шахсларга 53,5 млрд. сўм субсидия берилган.

Бундан ташқари, меҳнат бозоридида тенденциядан келиб чиқиб, туман (шаҳар) аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказлари томонидан 2022 йилнинг шу даврига қадар иш билан банд бўлмаган 437,4 минг нафар шахсга бандлик хизматлари қўрсатишга бўлиб, бунинг учун Бандликка қўмаклашиш ва Жамоат ишлари жамғармаларидан 205,5 млрд. сўм маблағ ажратилган.

Қайд этилганидек, жорий йилда туман (шаҳар) аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказлари томонидан ишсиз ҳамда чет элдан қайтиб келган 210,4 минг нафар фуқаронинг мавжуд вақант иш ўринларига ишга жойлашишига қўмаклашилган.

Шунингдек, ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун банд қилиб қўйилган иш ўринларига 12 мингга яқин эҳтиёжманд шахслар ишга жойлаштирилди. Ҳисобот даврида иш билан банд бўлмаган 76 минг нафар фуқаро касб-хунарга, тадбиркорлик қўнқмаларига ўқитилди. 20,5 минг нафар ишсизни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 21,5 млрд. сўм ишсизлик нафақаси молиялаштириб берилди.

Эшитувда депутатлар ижобий ишлар билан бирга, мазкур соҳадаги айрим муаммо ва камчиликларга алоҳида эътибор қаратди.

Жумладан, янги иш ўринлари тўғрисида тақдим этилаётган маълумотларини ошириб қўрсатиш ҳолатлари мавжудлиги, айрим ҳудудларда Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилаётган субсидиялардан оқилана фойдаланиш борасида маҳаллалардаги меҳнат инспекторлари томонидан аҳоли ўртасида етарлиқ тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилаётгани депутатларнинг эътирозига сабаб бўлди.

Муҳокамалар жараёнида халқ вакиллари бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳоли даромадларини ошириш, шу орқали камбағаллиқни қисқартириш юзасидан зарур чоралар қўриш лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Савол-жавобларга бой бўлган мажлисда вазир Н. Хусановнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ МАҲАЛЛАЛАР ФАОЛЛАРИ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

Айни кунларда Қорақалпоғистон Республикасида 2022 йил июль ойида юз берган ҳолатлар ва воқеаларни ўрганиш бўйича комиссия аъзолари инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузиш билан боғлиқ ҳолат ва ҳодисаларни таҳлилдан ўтказмоқда.

Ўрганиш

Улар Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қорақалпоғистон Республикаси қўриқлаш бошқармасида бўлиб, 1-2 июль кунлари ҳудудда рўй берган воқеаларда иштирок этган ҳодимлар билан мулоқот қилди. Бу жараёнда комиссия аъзоларига оммавий тартибсизликларда фойдаланилган маҳсул техника воситалари кўрсатилди. Хусусан, ту тул қичарувчи, ранг берувчи, қўздан ёш оқизувчи ва кучли товуш чиқарувчи гранаталар, сувга қўйиладиган маҳсул кукун ҳамда маҳсул техника воситаларининг тактик-тех-

ник ҳусусиятлари тушунтирилди. Шунингдек, комиссия аъзолари томонидан ижтимоий тармоқларда кенг тарқалган ва муҳокамаларга сабаб бўлган қизил бўёқларга ойдин-лик киритилди. Яъни ушбу ҳолатлар комиссия аъзоларига амалий қўрсатиб берилди.

Бундан ташқари, комиссия аъзолари гуруҳларга бўлинган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасидаги “Гарезизлик”, “Халықлар достлиги”, “Шайлар”, “Мустақиллик” маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб, фуқаролар, маҳалла кайвонилари,

ёшлар билан суҳбатлар ўтказди. Мулоқотлар давомида фуқаролар Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан Қорақалпоғистондаги воқеаларнинг зудлик билан бартараф қилиниши, тинчлик-оsoйишталикка эришиш учун ўз вақтида қўрилган чора-тадбирларни алоҳида эътироф этиб, кейинги йилларда амалга оширилган ишхорлардан мамнулигини билдирди.

Маҳалла фаоллари таъкидлаганидек, тинчлик қарор топан юртда хотиржамлик ҳўм суради, жамиятда оқилиш ва ривожланиш бўлади. Мамлакатимиздаги тинчлик, оsoйишталик бардоҳам бўлсин, дея маҳалла нуронийлари қўлларини дуога очиди.

Комиссия аъзоларининг ўрганишлари давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.



ўзлаштириш, транспорт-логистика харажатларини қисқартириш, турдош корхоналар ўртасида ўзаро интеграция таъминланишига эришиш борасида изчил саъй-харажатлар олиб боришмоқда.

— Малака ошириш курсида ўқиб, қисқа муддатда замонавий технологияларни бошқаришни ўргандик, — дейди Воҳиджон Муҳаммаджонов. — Тенгдошларим қаторида шундай корхонада ишлаётганимдан фخرланаман.

Корхона таъсисчиларидан бири Николаус Кнауф жаҳоннинг 100 га яқин давлатларида 230 га яқин ишга банд қилиш корхоналарига эга тадбиркорлик фаолияти давомида Фарғонада ўзгача таассуротларга эга бўлганини завқ билан сўзлайди.

— Дунё кўрган инсон сифатида Ўзбекистон, хусусан, Фарғонанинг гўзал ва бетакорр табиати, юксак деҳқончилик маданиятини мени ўзига

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР КЛАСТЕРИ ҚАНДАЙ САМАРА БЕРМОҚДА?

Кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги тармоғига бозор механизмлари, жумладан, агрокластер тизимининг жорий этилгани қисқа фурсатда ўзининг ижобий самарасини берди. Пахта-тўқимачилик, тиббиёт, тоғ-кон ва металлургия каби соҳаларда шаклланган кластерлар фикримизни тасдиқлайди.

Кластерлар саноат ва қишлоқ ҳўжалигини модернизация қилиш, маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш, пировардида четта хомашё эмас, қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот экспорт қилиш, бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш каби асосий вазифаларни самарали амалга оширмоқда.

Долзарб мавзу

Илмий ва инновацион ҳамкорлик зарурати

Кластерлар иқтисодийни диверсификациялаш ва рақобатбардошлигини оширишда кўл келаётир. Бу жараёнларнинг кенгайиб, ривожланиши асосида тармоқлар ва ҳудудлар интеграцияси ҳам такомиллашиб бормоқда. Айни пайтда Ўзбекистон иқтисодийнинг халқаро интеграцияси ҳам ривожланиб, корхоналар жаҳон бозорига қизиқ, халқаро савдонинг ривожланиши кузатиляпти.

Шу йил 20 май кунин қабул қилинган “Доривор ўсимликлар хомашё базасидан самарали фойдаланиш, қайта ишлашни қўллаб-қувватлаш орқали қўшимча қиймат занжирини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони Ўзбекистонда доривор ўсимликлар индустриясини шакллантириш, унинг самарадорлигини ошириш орқали аҳоли соғлиғини халқ табиобати асосида мустаҳкамлаш, биомаҳсулотлар асосида даволаш усулларини кенг жорий этиш, халқ табиобатини ривожлантириш, шунингдек, иқтисодийнинг янги салохиятларини ишга туширишга қаратилган.

Албатта, Фармонда кўтарилган масалаларнинг ечими турли соҳа олимлари, тадбиркорлар, давлат идоралари ва инвесторларнинг илмий ҳамда инновацион жиғслашувини тақозо этади. Ўзбекистонда олимлар тадбиркорлар томонидан кейинги ўн йилликда шундай ҳамкорлик олиб борилади ва маълум тажрибалар тўпланди. Бироқ бу жараён мўайян қийинчиликлар ҳамда интеграциянинг сустлиги сабабли қутилган натижаларни бермади.

Мисол тариқасида 2010 йилдан Ўзбекистонда топинамбур индустриясини шакллантириш борасида олиб боришган илмий-инновацион фаолиятни келтириш мумкин. Бу йўналишдаги ҳамкорлик асосида иқтисодчилар, агрономлар, биологлар, кимё-технологлар, фармацевтлар, диетологлар, муҳандис-механиклар ва бошқа соҳа олимлари салмоқли ишларни ташаббус кўрсатиб амалга оширдилар.

Топинамбур уруғчилиги, фермер ҳўжаликларида маданий етиштириш агротехнологияси, хомашёнинг давлат стандарти, чиқитсиз қайта ишлаш технологиялари биргаликда ишлаб чи-

Кластер, бу — тўпланиб ишни амалга ошириш. Яъни бирор экинни ёки нарсани етиштиришдан тортиб уни тайёр маҳсулот сифатида ишлаб чиқаришгача бўлган жараённинг тизимли шакллантирилишидир. Ушбу амалиёт самарали бўлгани боис ҳам йилдан-йилга мамлакатимизда кластерлар сонини ортиб бормоқда.

Тахлилларга кўра, 2017 йилда Ўзбекистонда 1 донга кластер ишлаган бўлса, 2018 йилда 15 та ва 2019 йилда бу рақам 75 тага чиқди. 2021 йилнинг ўзига янгидан 25 та пахта-тўқимачилик, 80 та галлчилик, 13 та шолчилик ва битта доривор кластерлар фаолияти йўлга қўйилди.

Ҳақиқатан ҳам, мазкур тизим қисқа вақтда катта натижаларни қўлга киритиш имконини берди. 2021 йилда кластерлар томонидан 9,2 миллион тонна қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти, жумладан, 6,6 миллион тонна бошқоқли дон етиштирилган.



Инновацион лойиҳалар рискларидан бири — маъмурий-бўйруқбозлик тўсиқларидир. У айниқса, тадбиркор ва маъмурий бўйруқбозлик тизими коммуникациясида яққол кўринади. “ТОPI Industrial Group” МЧЖ инновацион-инвестицион компанияси ва унинг лойиҳалари 2013 йилдан бери шундай қўллаб маъмурий ҳамда субъектив тўсиқларга учради.

Мисол учун топинамбур толқонидаги инсулиннинг салмоғини Ўзбекистондаги лабораториялар 2-3 баробар кам қилиб кўрсатган. Германия, Польша ҳамда Греция лабораторияларида эса инсулин 2-3 марта қўллиги исботланган. Натижада шу маҳсулотларга сертификатлар олинди. Бу, ўз навбатида, корхонага ишонч берди ва маҳсулотга мувофиқлик сертификатини олишда асос бўлди.

Президентимизнинг тегишли Фармони билан Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлигига доривор ўсимликлар соҳасини ривожлантириш бўйича тажрибали хорижий мутахассис ва консултантларни жалб қилиш чораларини кўриш вазифаси юклатилди. Айни чоғда бу Фармон билан юқоридаги каби муаммоларнинг ечимини кўрсатилади.

Доривор ўсимликлардан олиннадиган фитопрепаратлар истеъмол бозорини яратиш, хусусан, уларнинг дорихоналар тизимида сотувини йўлга қўйиш, фитопрепаратлар яратиш технологиясида халқ табиобати усулларини кенг қўллаш, соғлиқни сақлаш тизимининг бирлашган бўғинида доривор ўсимликлардан олиннадиган фитопрепаратларни қўллаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш вазифаси белгиланди.

Шунингдек, илмий-инновацион лойиҳаларни Давлат бюджетидан молиялаштириш имкониятлари берилмоқда. Хусусан, уч ой муддатда доривор ўсимликларга оид илмий ишланмаларнинг 50 фоизини тадбиркорлик субъектлари молиялаштирган тақдирда қолган қисmini Давлат бюджетидан илмий лойиҳаларга ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштириш бўйича тақлиф киритилсин, деб кўрсатилади.

Умуман, давлатимиз раҳбарининг айнаи Фармони билан кўпдан бери қутилган имтиёзлар ва имкониятлар берилдики, бу соҳа тараққиётини таъминлашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Исмоил САИФНАЗАРОВ,
ТДИУ профессори,
Маҳмаджон ҚОСИМОВ,
ТДИУ доценти.



Дунёни ёлғослантираётган асосий чиқинди пластик экани ҳеч кимга сир эмас. Унинг қоримчалари ва турлари 100 йилдан 500 йилгача ерда чиримасдан ётиши илмий исботланган.

Тасаввур қилинг, 100 йилдан кейин авлодларимиз археологик қазихмаларда қадимий ёдгорликларни эмас, ишлатилган турли хил пластик маҳсулотларни топса... Турган гапки, улар аждодларининг она заминини ёлғослантиришга қўшган ҳиссасига, албатта, ижобий баҳо бермайди...

Мушоҳада

Эсингизда бўлса, водийлик деҳқонлар бир пайтлар чигитни плёнка остига экишди, бу “усул” республика бўйича тарғиб қилиниб, ҳатто ҳўжаликлар ана шу плёнкани сотиб олишга мажбур қилинди. Европа давлатлари умуман фойдаланмайдиган ва инсон саломатлигига хавф соладиган бундай плёнкаларни маълум доирадаги “тадбиркорлар” Хитойдан арзон-гаровга олиб келиб, “росса-а пулашди”, олмагани мажбур қилишди.

Оқибатда плёнка қолдиқлари қанчадан-қанча пахта майдонларида қолиб кетди, уларни йиғиштириб, адоғига етиб бўлмади. У эса асрлар утосида, тупроққа қўшилиб кетмас экан.

Бундай вазиятга кимдир пластик буюмлар ва елим халтачаларни ёқиб юбориб, улардан қутулиш мумкин-ку, деб ўйлар. Аммо бу усул инсон саломатлиги ва экологияга янада хавфлироғи билан ажралиб туради.

Хас-хашак ва турли чиқиндилар ёқилганидан ундан тарақган тугун таркибда 400 дан ортиқ кимёвий моддалар бўлиб, уларнинг 43 га яқини одам организмидо саратон касаллигини келтириб чиқарадиган (канцероген) моддалар ҳисобланади. Унинг таъсирида инсонларда аллергия

ЕЛИМ ХАЛТАЧАЛАРДАН ҚАЧОН ҚУТУЛАМИЗ?

нархларда сотиш тақикланди. Аммо қабул қилинган қарор фақат супермаркетларда амалда бўлиб, бозорлардаги ҳолат аввалгидек қоляпти. Кимнинг қўлига қарасанг, елим халтачалар, унинг ичидо эса озик-овқатдан тортиб, дори-дармонгача сақланаяпти. Лекин ватандошларимиз елим халтачаларда сақланаётган озик-овқатларнинг, елим идишлардаги ичимликларнинг сифат таркибиде кескин ўзгаришидан, бу эса инсон саломатлигига хавф солишидан хабардорми? Албатта, хабардор.

Чунки оддий кўча сугурувчидан тортиб ёш болагача ижтимоий тармоқларда берилаятган боши-охири йўқ ахборотдан воқиф, ачинарлиси, ўз соғлиғини муҳофиза қилишга чорлайдиган маълумотларга аҳамият бермайди.

Бугун билиб-билмай елим халтачаларнинг шахару қишлоқлар бўйлаб тарқатилишига одамларнинг ўзи ҳисса қўшмоқда. Бир мисол: кўпична ота-она мактабга кетаётган фарзандни қўлига чиқинди солинган елим халтачани бериб, уни махсус қутига ташлаб кетишни тайинлайди. Уйинқароқ бола эса мактабга боришда йўл-йўлақай чиқиндиларни сочиб-тўкиб, кейин елим халтачани ҳам улоқтириб юборади. Буни ҳаммамиз биламиз.

Чунки бола — бола-да! Агар биз фарзандимизни мактабга жўнатаётганимизда икки-уч марта у билан бирга қизиқ, қўлидаги чиқинди солинган халтачани махсус қутига солишини назорат қилсак, бола кейинчалик ана шунга ўрганади, чиқиндини қўчага сочиб кетмайдиган бўлади.

Бугунги кунда табиат ва атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш учун 40 дан зиёд давлатлар бир марталик политизини мактаблардан фойдаланишни чеклади ёки бутунлай тақиқлади. Масалан, 2000 йилларнинг бо-

шарида Сингапур, Тайван ва Бангладешда бундай буюмлар билан дарёлар ҳамда канализация тармоқлари ифлосланганлиги, оқибатда оммавий сув тошқинлари юзга келганлиги сабабли шундай қарорга келинди. Кейин улар сафига бошқа кўпгина давлатлар қўшилди.

Дания ҳукумати томонидан дўконларда полиэтилен халтачалар билан савдо қилишга катта микдорда жарима қўлланганлиги боис бундай буюмлардан фойдаланиш бирданга 90 фоизга камайди. Англияда эса биопакетлар кенг тарқалган. Ёки мазкур мамлакатдаги қўллаб супермаркетларда қозғакетлардан фойдаланишди. Финляндияда эса савдо дўконларига ишлатилган полиэтилен халтачаларни қайта ишлайдиган автоматлар қўйилган.

Россияда ҳозиргача экологлар пластик буюмларни чеклашга муваффақ бўлгани йўқ. Аммо жамоатчилик вакиллари мазкур йўналишда доимий равишда иш олиб бориб, одамларга полиэтилен халтачаларнинг зарарларини тўғрисида маълумотлар бериб, озик-овқат маҳсулотларини хавфсиз экологик халтачаларда сақлашга даъват қилишмоқда.

Бугун дунё экологлари полиэтилен халтачаларнинг зарари тўғрисида бонг урмоқда. Йилгига миллионлаб тонна пластик буюмлар чиқиндиларга ташланиши оқибатида ер за-

...Елим пакетчалар ҳали пайдо бўлмаган даврларда, эсингизда бўлса, бозорларда турли халталардаги қозғакетлар билан савдо қилишди. Аслида у ҳам арзон, ҳам инсон саломатлигига хавф солмайдиган даражада экологик тоза эди. Нима учун соҳа мутахассислари, озик-овқат саноати мутахассислари ишончли бўлган ана шу халтачаларни истеъмолда ишлатишни жорий қилмапти? Ёки Ўзбекистон бўйича елим пакетчалар ишлаб чиқариш ва сотишдан кимдир, айтилмай, бирорта мансабдор манфаатдорми?

Умуман, Соғлиқни сақлаш вазирлиги бу борада нега ўзининг узи-кесил фикрини билдирмапти?

Нуруллоҳ ОСТОНОВ
(«Халқ сўзи»).

Изланиш

ТОМОРҚАДА ГЎЗАЛЛИК ЯРАТАЁТГАНЛАР

Фаргона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги Эски Яйпан маҳалласида яшовчи Бахтиёр Сулаймонов 7 сотих томорқасида ноёб гул ва ўсимлик қўчатларини етиштириб, катта даромадга эга бўлмоқда.

Хонадонда парваришланаётган юзга яқин турдаги ноёб гул ва дарахлар орасида шифобахш гиёҳлар ҳам бор. Фундук (ўрмон ёнғоғи), годжи (Тибет барбариси), сумах (сирқа дарахти), оқ қайин, бамбук, манго, киви, папая, апельсин, мандарин, ананас, қорағат, жасмин, магнолия каби ноёб ва манзарали дарахлар, экзотик мевалар, гул қўчатлари ҳамда доривор ўсимликлардан иборат бу жаннатмонанд манзилга келган кишининг гўзалликдан бахридлиги очилиши, шубҳасиз.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

ШОЛИЧИЛИКДА СУВ ТЕЖАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ҚЎЛЛЕНИМОҚДА

Корақалпоғистон Республикасининг Нукус туманидаги тажриба майдонида Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги, Иригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти томонидан шолни етиштиришда ёмғирлиб ва томчилатиб сугориш технологиясини жорий этиш бўйича илмий изланишлар олиб боришмоқда.


— “Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг тупроқ-иқлим шароитларида шолни етиштиришда сувни тежовчи технологияларни ишлаб чиқиш” лойиҳаси асосида ҳудудда сув билан бирга бошқа ресурслар тежаллиши ҳам қўлленмоқда, — дейди Иригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти таъин докторанти Ерлан Ботирбаев. — Жумладан, йиллик сув сарфи микдори тупроқ-иқлим шароитига ва навларнинг биологик хусусиятига мос равишда 60 — 70 фоизгача, уруқлик сарфи — 40, кимёвий минерал ўғитлар — 15 — 20, бегона ўғлар ва касалликларга қарши фойдаланадиган

гербицидлар 30 фоизгача иқтисод қилинади. Ёмғирлиб, томчилатиб сугориш орқали экилган уруғларнинг унвчанлиги 40 — 50 фоиздан 70 — 80 фоизгача ортади ва шолни 25 — 30 кун эрта пишади. Асосийси, ҳосилдорлик 40 — 50 фоизгача ортади.

Нукус туманидаги 1,5 гектар тажриба майдонида шолнинг “Гулистон” нави экилган бўлиб, ҳозирги кунда экин майдонининг бир қисмига ёмғирлиб, бир қисмига томчилатиб сугориш технологияси ўрнатилган. Айни кунларда шолни баравар ўсмокда.

Ғайрат ОТАЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

ЭЪЛОН



Жамиятнинг номи: **“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти.**

Жойлашган жойи: **100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 101-ўй.**

Электрон почта манзиллари: **info@nbu.uz, webmaster@nbu.uz**

Қайта йиғилиш ўтқазиш санаси ва манзили: **2022 йил 29 июль, соат 10:00. Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 101-ўй.**

Акциядорларнинг реестри шакллантириладиган сана: **2022 йил 7 июль.**

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 68-моддасига мувофиқ, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтқазиш учун қворум бўлмаса, акциядорларнинг тақоррий умумий йиғилишини ўтқазиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг тақоррий умумий йиғилишини ўтқазишда кун тартибини ўзгартаришга йўл қўйилмайди.

“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг 2022 йил 13 июлдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қворумига эга бўлмади.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 68-моддасига кўра, 2022 йил 13 июлдаги акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтқазиш учун қворум бўлмаганлиги сабабли, жамият акциядорларининг навбатдан ташқари тақоррий умумий йиғилишини ўтқазиш санаси 2022 йил 29 июль кунин қилиб белгиланди.

Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибни ўзгаришсиз қолдирилади.

1. “Ўзбекистон” банк” АЖнинг 2021 йил учун соф фойдасини тақсимлаш;
2. “Ўзбекистон” банк” АЖ устав капиталини қўпайтириш;
3. Қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш;
4. “Ўзбекистон” банк” АЖ тафтиш комиссиясининг фаолиятини тугатиш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси жамоаси бўлим бошлиғи Ўқтамжон Назировга онаси **Маҳбуба НАЗИРОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлиқ билдирди.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 748. 24 563 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғакетчи А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни қўллаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайдиган ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфия жихатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилик кўчаси, 32-ўй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.

Мусахҳиш — Ш. Машраббев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.30 Топширилди — 02.10

1 2 3 4 5 6